



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси, Тел: 41-94-256

2020 йил "10" ИЮН

№ 1077

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан "IDEAL HAYOT" хусусий корхонасига замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

"IDEAL HAYOT" хусусий корхонаси раҳбарининг Янгибозор туманидаги Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган ёзишмасини ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосасини, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг хулосасини, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг хулосасини, туман СЭО марказининг хулосасини, туман ФВ бўлимининг хулосасини ҳамда ушбу юзасидан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси, хулосаси ва баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига асосланиб

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг "IDEAL HAYOT" хусусий корхонасига Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан қишлоқ хўжалик ер харитасининг 687-контуридан 2,0 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 42 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш тўғрисидаги далолатномаси, хулосаси ва баённомаси маъқуллансин.

2. "IDEAL HAYOT" хусусий корхонасига Оёқдўрман қишлоғи қишлоқ хўжалик ер харитасининг 687-контуридан 2,0 гектар ер майдонида замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 42 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиб берилсин.

3. "IDEAL HAYOT" хусусий корхонасига;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатишда тегишли корхона ташкилотлардан хулосалар олиш вазифаси юклатилсин.

- мазкур қарор АРТ-1, АРТ-2 ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш учун асос бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун асос бўла олмаслиги эслатиб ўтилсин;

- Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-қисмига мувофиқ 2 йил мабойнида ажратилаётган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда ва бошқа мақсадда фойдаланилганда қабул қилинган қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Р.Рахимов)га Вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин 2(икки) кунлик календарь иш кунида ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Р.Рахимов)га ажратиб берилган ер майдонини ўз жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ва ер ҳисоботига ўзгартириш киритиш, туман қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қурилишни шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида қурилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимидан сўралсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни туман ҳокими ўринбосари Б.Тулиев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов